

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 23 (7.016). Sotuvda erkin narxda

Erning munosib egasini topish - dolzarb masala

Танлов талаби — адолат

Амалдаги йилда Хоразм вилоятида ҳам 17 та ширкат ҳўжалиги фермер ҳўжаликларига айлантирилмоқда. Халис, адолат мезониди ўтказилган танловлар асосида деярли барча жойда ер ўз эгасини топди.

Хонқа туманидаги танлов иштирокчилари тендер ана шундай ҳалол ўғди, дейишгапти. Зарар кўриб ишлаётган 4 та ширкат ҳўжалигининг 7774 гектар экин майдони 704 та лойиҳа бўйича танловга қўйилди.

—1949 нафар давояғарнинг 1627 нафари танловда қатнашиш ҳўқукига эга бўлдилар. Асосий экинлар — пахта ва галлага ажратилган 7243 гектар ер учун 362 та лойиҳа ишлаб чиқилди. 279 гектар ер тутчилик, 80 гектар майдон сабзавотчилик учун танловга қўйилди, — дейди Охунбоев номли ва "Ўзбекистон" ширкат ҳўжаликлари бўйича танлов комиссияси раиси, туман ҳўқимининг ўринбосари Ф.Шарипов. —Тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилиб, танловнинг ошқора ўтказилганлиги тўғрисида танлов жараёнида бирортаам норозилик бўлмади.

Жамоатчилик Кенгаши аъзолари ва танлов қатнашчилари билан суҳбатлашиб, ҳўжжатлар билан танишганидан сўнг унинг сўзлари тўғрисида амин бўлди. Мулкдор деган номга мушарраф бўлганларнинг деярли барчаси шу қишлоқ кишилари, аксарияти қўли кетмон дастасини ушлаб қаварган, умри далада кечаётган деҳқонлар.

Латиф Матёқубов ана шулардан бири. Бундан анча олдин у 6 гектар майдонда "Сарвар-Акмал" фермер ҳўжалигини ташкил этганди. Ўтган йили 20 тонна юқори навли пахта топшириб, ҳосилдорлики 33,5 центнерга етказди. Икконтини чамалаган фермер танловда иштирок этиб, тендерда 17,1 гектар ернинг соҳиби бўлди.

"Дўстлик" ширкат ҳўжалигида ҳам жами 1734,7 гектар майдонда энди қишлоқ мулкдорлари — фермерлар фаолият кўрсатадилар.

—Биз биринчи галда талабгорларнинг шу ерда ишлагани ва имкониятларини ҳисобга олдик. Чунки, кўп йиллардан буён шу ширкатда меҳнат қилган ижарачининг қўлидан ерни тортиб олиш инсофдан эмас. Ахир ширкатда 20 йиллаб ижарачи бўлиб ишлаб, режаларни ортиси билан удралаб келган деҳқон нега ер эгаси бўлмасин?! Ер ишлаганики, деб беҳиж айтилмаган-ку?

Бу — маъмур ширкатдаги танлов комиссияси котиби Султонбой Саъдуллаевнинг фикри. У сўзини ана давом эттиради: Ерни техникаси борлар, пули кўплар олади, деган баъзи кимсаларнинг сўзларидан чўчиб, танловда қатнашмаган деҳқонлар йўқ дейсизми? Бизда ундай бўлмади.

Тўғри, тендерда Саъдулла Курамбоев сингари бош пудратчи бўлиб ишлаган айрим тажрибали деҳқонларнинг ҳам ютказган ҳоллари бўлган. Лекин улар мағлубиятни мардларча тан олган. Ахир беллашууда ҳамма ҳам голиб бўлавермайдими-ку.

"Дўстлик"да танлов ишлари вилоят бўйича биринчи бўлиб ниҳоясига етказилди. Туман ҳўқими қарорига асосан "Жирмиз" қишлоғида яшовчи 140 нафардан ошқ янги мулкдорлар

аллақачон тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идоралар билан шартнома тузиб, дала ишларини бошлаб юбордилар.

Урганч туманидаги узумчиликка ихтисослашган Мунис Хоразмий ноили ҳўжалигида ҳам бу жараён адолат тамойили асосида бормоқда.

Кекса боғбон Шоназар ота Юсупов ширкатга меҳнати кўп сингган. Ерларни кенгайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, кишилар турмуш фаровонлигини таъминлаш учун куч-ғайратини аямасди. Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими.

—Фермерчиликка ўтиш, ўз ерига эга бўлиш боғбонларимиз учун чин маънодаги гамхўрлик бўлди. Негаки, биз авваллари пахта ва галлагалида ишлаётган деҳқонларга яратилган имкониятлардан фойдаланмасдик. 5 фоизлик кредитлар берилмас, боғлар учун минерал ўғитлар кам ажратиларди. Эндиликда имкониятлар кенгаймоқда, — дейди тажрибали боғбон.

Ҳўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси раиси Эркин Оллабергваннинг берган маълумотига кўра, 52 гектар боғ, 298 гектар тоқзор, 500 гектардан зиёд пахта, галла, полиз, сабзавот майдонлари ҳолисона танлов ва ёпиқ кимшоиди савдолари орқали ўз эгаларига топширилмоқда.

—Воҳода экин майдонлари чегараланганга боис талабгор кўп, — дейди комиссия раиси. — Танлов ўта масъулиятли жараён. Бунда ҳар бир кишининг имкони, ер билан тиллаша олиши, деҳқончилик учун фидойилиги ўз баҳосини олмоғи керак. Дала шароити, танлов қатнашчиларининг имкониятлари ҳисобга олиниб, боғ ва узумчилик бўйича 176, пахта, галла, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар учун 45 лойиҳа ишланди. Тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Демак, яқин кунларда ҳудудда янгидан 221 нафар мулкдор ўз фаолиятини бошлайдилар. Комиссия аъзолари учун ажратилган хонага ташири буюрвчиларнинг кети узилмайдилар. Ким ҳўжжат топширмақда, яна бирови тушунмаган нарсасини сўрамоқда. Уларнинг айримларини суҳбатга тортамыз.

—Мен 5,5 гектар тоқзорни ижарига олиб, маҳсулот етиштириб келганман, — дейди ўзини Исхандар Эркаев деб таништирган йигит. — Пудратчиларга имтиёзлар берилмаётгани аини мудоао бўлди.

Яна бир суҳбатдошимиз Раҳмат Эржонов ўтган йили ўзига бирктирилган 6 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳамаше топширган. Унинг мақсади ҳам мулкдор бўлиш. Шу сабабдан 5-лойиҳага ариза берган. Икконтини чамалаб, голиб бўлиш ниятида.

Шу кунгача 150 дан ортқ лойиҳага ариза тушган бўлса-да, кунига 30-32 нафар кишининг талабгорлар сафидан жой олаётганлиги танловнинг қаттиқ беллашуу асосида ўтишидан дарак бермоқда. Дарҳақиқат, танлов — мардлар майдони. Суяғи меҳнатда котган, умри далада ўтаётган кишилар боғдорчиликни муқаддас этиб, эътиқод билан талабгор бўлган экан, уларнинг муносиблари голиб бўлишига ишончимиз қомил.

Холмурод ҚУРБОНОВ



"Пешкутек" Ўзбекистон - Белоруссия қўшма корхонаси Пешку туманининг Афсона қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлади. Корхона ишга тушган, шу ердаги 140 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Мазкур корхонада ойига 216 тоннагача ип-калага ишлаб чиқарилиб, шунинг 50-60 тоннаси хорижга экспорт қилинапти. СУРАТДА: оператор Эйтибор ЕДГОРОВА.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

"Тасвирий Ойна" — "Аср Сифати" соҳиби

Яқинда Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий Ойна" иждоий уюшмаси BUSINESS INITIATIVE DIRECTIONS (B.I.D.) ташкилоти томонидан ҳар йили дунёнинг 166 мамлақатидаги турли иждоий уюшмалар, компания ва корпорацияларга "аъло сифат ҳамда мукамаллик учун" тақдим этиладиган "Аср Сифати" халқаро олтин даражали мукофотига лойиқ, деб топилди.


Мазкур мукофот шу кунга қадар жаҳоннинг 166 мамлақати компанияларига топ-

ширилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад, ушбу конвенция иштирокчиларининг Умумий Сифат Бошқаруви (TQM) модели юқори стандартларига жавоб бера олиши ҳамда аъло даражадаги сифат назоратини йўлга қўйганлигини эътироф этишдан иборатдир. "Аср Сифати" халқаро белгиси турли соҳа ва тармоққа оид етакчи компаниялар фаолиятидаги сифат даражаси халқаро профессионал компаниялар ҳамда мутахассислар иштирокида тузилган мустақил Директор-

лар Кенгаши томонидан ўрганиб чиқилган, энг муносиб номзодларгина лойиқ кўриладиган мукофотдир. Унинг бутунжаҳон миқосида тан олиниши ҳам "Аср Сифати"нинг нуфузи юқори эканини кўрсатади.

Century International Quality ERA Award конвенциясида иштирок этиш ҳар қандай компания учун фахрлидир, десак арийдилар. Зеро, ушбу акция аъло сифат ҳамда мукамалликни кўзлаб хизмат қиладиган тузилмаларнинг рақобатчилирига нисбатан юқори сифат

Эътироф



Танга — дармон, ғазнага — даромад



УЗРТСБ БИРЛИКНИ ҚОЛДОНА СЎММ

Қишлоқ-синов Қорақўлимиз жаҳонга чиқсин

—Давлатимиз раҳбарияти Истиқлолнинг дастлабки йилларида-ноқ қорақўлчиликни ривожлантириш, наслчиликни тубдан яхшилашга доир бир қатор қарорлар қабул қилди.

Қорақалпоқ сури

Терининг янги навларини яратишга киришилди. Типлари бўйича давлат стандарт жорий этилди. Соҳанинг яқин тизими шакллантирилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси "Қорақўл" акциядорлик бирлашмаси бошлиғи Қодир Матёқубов. — Натижада бизда, яъни қорақалпоқ заминиди шаклланган кумуш, олмос, Тўртқўл сури, кўк ёки қора рангли терилар етиштириляпти. Барча терилар бозорда ўз харидорини топиб борапти.

(Давоми 2-бетда)

«Парранда гриппи» Европада



Миллий ҳамда четал валютасида барча банк қизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун! "Пахта-Банк" - фаровонлигингиз бахшишидир!

Инфратузилма

Бугунги кунда қишлоқ мулкдорлари — фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий-техника ресурслари, хусусан, ўғит этизиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2005 йили "Ўзкимёсанот" Давлат акциядорлик компанияси тизимидаги ҳудудий "Қишлоқҳўжалиқимё" акциядорлик жамиятида ширкат ва фермер ҳўжаликлари минерал ўғитларини етказиб бериш учун 174 та туман ва

Минерал ўғит фермер даласигача

туманларо филиаллар ҳамда 513 та шохобчалар фаолият кўрсатди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий "Қишлоқҳўжалиқимё" акциядорлик жамиятларининг минерал ўғит сақлаш омборхоналари сизими 2005 йил 1 январ ҳолатига 985 минг тонна эди. Тегишли қурилиш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 2006 йил бошига келиб бу кўрсаткич 1134 минг тоннага ташкил қилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиғига минерал ўғитларни етказиб бериш учун транспорт воситалари етишмасди.

(Давоми 3-бетда)

Тоғлар қўйнидаги сиҳатгоҳ



УЗРТСБ БИРЛИКНИ ҚОЛДОНА СЎММ

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, қишлоқда янги мулкдорлар синфини шакллантиришга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу борада зарур шарт-шароитлар яратилапти. Қилинаётган бу саз-ҳаракатлар халқимиз турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

ВЕТЕРИНАРИЯ: Эҳтиёжни қондириш — бош мезон

фермерлар ва аҳолининг қорва молларига хизмат кўрсатишчи 85 та зооветеринария шохобчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Амалда 96 та шохобча очилди. Барча шохобчалар ветеринария мута-

таси сунъий қочирини ускуналари, 37 таси "Дюар" идишлари билан таъминланган. Шунингдек, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда биттадан намунавий зоовете-



ринария хизмати кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди ва шу хизмат Хизмат шохобчалар негизда кўргазмалар ўқув семинарлари ўтказилди. Юқорида таъкидланган тадбирлар амалга оширишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ветеринария Бош бошқармаси, унинг вилоятлардаги бошқармалари ходимлари фаоллик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини (ширкат-

да зотли молларни сотишни йўлга қўйиш ҳам кўрсатилган бўлса-да, ҳозирда фақат зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди, холос. Зотли моллар уруғини сақлаш учун "Дюар" идишларининг ва зооветеринарияга оид бошқа анжомларнинг баҳоси ўта юқорилиги ҳамда таъмирлашдаги муаммолар ҳам ишга бирмунча тўсиқ бўлмоқда.

Албатта, бу муаммоларнинг ечими кидирилмоқда. Вақти келиб зооветеринария хизмати шохобчаларида жаҳон андозларига мос хизмат кўрсатилишига эришилиши, шубҳасиз.

Республикамизда ветеринария хизматини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолатда шакллантириш учун изланишлар давом эттирилмоқда. Ветеринария хизматини ривожлантириш, мукамал, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва мутахассислар малакасини ошириш учун хориж инвестициялари ҳам жалб этилаётган.

Масалан, 2004 йилда Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш" Дастури асосида Қашқадар вилоятининг Ғузур туманида аҳоли ва фермер хўжалиқларига зооветеринария хизматлари кўрсатилишини яхшилаш мақсадида бешта зооветеринария пунктлари ташкил этилди. Ушбу пунктлар хизмат талабларига мос ҳолда таъмирланиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бугунги кунда ушбу шохобчаларда фермерларга ва аҳоли қорвачилигига сифатли хизмат кўрсатишмоқда.



"Парранда гриппи" Европада

Исон саломатлиги учун ўта хавфли ҳисобланган H5N1 "парранда гриппи" вируси Европанинг бир неча давлатларида аниқланган. Германия, Австрия ва Венгриянинг қатор аҳоли яшаш ҳудудларида ушбу касалликка чалинган, ҳалок бўлган ёввойи қушлар топилган. Айни дамда паррандалар Буюк Британиядаги махсус лабораторияга текшириш учун юборилган. Европанинг кўпгина давлатларида касалликнинг олдини олиш мақсадида хонаки паррандаларни ёпиқ ҳолда сақлаш тартиби жорий этилган. Касаллик аниқланган ҳудудларда аса қаттиқ тартибдаги карантин эълон қилинган.

Сайлов тинч ўтмаяпти

Гаитида президентлик сайловлари бўлиб ўтмоқда. Кузатувчилар маълумотида, сайловларда жуда кўп қонуний эътиборларга йўл қўйилмоқда. Айрим хабарларга кўра, овоз бериш участкаларида номаълум шахслар сайловчиларни бюллетенни тўлдирмасликка ундаб, бунинг эвазига уларга бир доллардан пул тарқатишган. Шунингдек, президентликка номзод Рене Превал номига бюллетенларнинг кўпчилиги йўқ қилинган ва ёпиқ юборилган. Бундан хабар толган сайловчилар қўчаларга чиқиб, оммавий тартибсизликларни вужудга келтиришган. Қурбон бўлганлар ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Лойиҳа бекор қилинди

Германия конституцион суди хаво сарҳадлари хавфсизлиги тўғрисидаги тортишувларга сабаб бўлган янги қонун лойиҳасини бекор қилди. 2001 йил 11 сентябр Нью-Йорк воқеаларидан сўнг Германия ҳукумати мамлакат хаво сарҳадлари борасида янги қонун лойиҳасини тақдим этган эди. Унда террорчилар олиб қочган ҳар қандай самолёт, хоҳ у йўловчи самолёти бўлсин, уриб туширилиши кўзда тутилди. Шундан сўнг бу қонун лойиҳаси кўпгина доираларда тортишувларни юзага келтирган. Президент бу масалани конституцион суд ҳал этишини таклиф этди. "Бир фуқарони асраб қолиш учун бошқасини ўлдириш Германия конституциясига тўғри келмайди" дейилади суд қарорларида.

Башорат амалга ошдими?

90-йиллардаёқ Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусейн АҚШга қарши йирик теракт содир этилиши мумкинлигини башорат қилган эди. Американинг ABC телекомпанияси бир неча махфий аудиотасмаларга таяниб, шу ҳақда маълум қилмоқда. Тасмалар БМТнинг Ироқдаги собиқ вакили Билл Таердан олинган. Ана шундай 1995 йилги ёзув тасмаларида Саддам терроризм авж олаётгани ва яқин йилларда АҚШ ҳамда Европа кўпюрвучликлар қуровида қолажагини айтган. "Оммавий қиргин қуролларини ҳар қандай оддий қимбегар ясаши ҳам мумкин, бунда бирор бир давлатни айблаш ҳаттодир. Жумладан, Ироқни", дейди Саддам. Мутахассислар бу овоз ёзувлари ҳақиқий эканлигини исботлашган.

ХАМАС лавозимларни эгалламоқда

Фаластин парламенти сайловларида галаба қозongan ХАМАС ташкилоти мухторият бошқарувининг масъул лавозимларига ўз вакиллари тайинлашни бошлади. Мухторият қонунчили кенгаши бошлиғи этиб Махмуд ал-Захар сайланди. Парламент спикери лавозимига эса Азиз Двейк тайинланди. Қонунчилик кўра, Азиз Двейк Фаластин раҳбари истеъфого чиққан ёки вафот этган тақдирда унинг вазифасини бажаришга киришади. ХАМАСнинг ушбу шахсларни қўйидаги лавозимларга лойиқ топиши Исроил давлатини анча хавотирга солиб қўйган. Чунки юқоридаги шахслар ХАМАСнинг ўта радикал қайфиятдаги аъзолари ҳисобланади.

"Чекиш ман этилади!"

Британиянинг барча клуб, ресторан, бар ва шу каби жамоат жойларида чекиш ман этилди. Мамлакат парламенти депутатлари бу қарорни бир овоздан маъқуллашди. Кўрсатилган жойларда сигарет чекиш энди 2500 фунт стерлинг миқдоридagi жарима билан жазоланади. Агар чекиш ман этилган жойларда тажикловчи белгилар ўрнатилмаган бўлса, мувоқасса 200 фунт стерлинг жарима тўлади. Айни дамда жарима миқдорини ошириш тўғрисида мамлакатда баҳс-мунозаралар бормоқда.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

РАТБ "ФАЛЛАБАНК" АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Муҳим фактлар тўғрисидаги 10-сонли маълумот. РАТБ "Фаллабанк" бошқарувининг 2006 йил 13 январдаги 9-сонли буйруғига асосан банк Бош бухгалтер Менгниеъов Жўра Эшмирзаевич эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, бошқа лавозимга ўтказилди. Банк Кенгашининг 2006 йил 8 февралдаги 13-сонли йиғилиш қарори билан Бошқарув аъзолари таркибидан чиқарилди. Ж.Э.Менгниеъов банк Устав капиталда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларга эга эмас. РАТБ "Фаллабанк" Кенгашининг 2006 йил 8 февралдаги 13-сонли йиғилиш қарори ҳамда банк Бошқарувининг 2006 йил 13 февралдаги 43-сонли буйруғига асосан банк Бош бухгалтери этиб Абдуллаев Анвар Алижонич тайинланди ва Бошқарув аъзолиги сафига киритилди. А.А.Абдуллаев банк Устав капиталда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларга эга эмас.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ШИНАЛАРНИ comag. Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади. Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари: Наманган ш., Дўстлик шох кўчаси, 1-А уй. Тел (3692) 24-56-60 Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88 Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06 Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел:(37622) 2-45-85.

"ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТ" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! 2006 йил 15 март кунини соат 11.00 да жамият биносида "Жиззахдонмахсулот" очик акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши бўлади. КУН ТАРТИБИ: 1) Жамиятнинг 2005 йилги молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги 2005 йилги бизнес-режасининг баҳарлилиги, бошқарув раисининг ҳисоботи; 2) Жамиятнинг 2005 йил кўчма бўйича йиллик балансини, молиявий натижалар ҳисоботини ва соф фойда тақсимотини тасдиқлаш; Жамиятнинг 2005 йил кўчма бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи; 3) Жамиятнинг 2005 йилги фаолияти бўйича аудиторлик текшируви ҳуқуқиса тасдиқ ҳисоботи; 4) Жамият Кузатув Кенгашининг 2005 йил йўналиши бўйича ҳисоботи; 5) Жамиятнинг 2005 йил йўналиши бўйича олинган соф фойдасидан дивиденд учун ажратилган миқдори ва унинг тақсимоти ҳақида тўлаш тартиби ва муддати; 6) Жамиятнинг 2006 йилги молия-хўжалик бизнес-режасини тасдиқлаш; 7) Жамиятнинг 2006 йил молия-хўжалик фаолиятига ҳулоса учун аудиторлик фирмасини белгилаш ва унга бериладиган тўлов миқдорини тасдиқлаш олиш; 8) Изилишига жамиятнинг барча акциядорлари қатнашиши сўралади. Акциядорларни рўйхатта олиш 2006 йил 15 март кунини соат 9.00 да жамият биносида бошланади. Кузатув Кенгаши

Азиз ҳамюртлар! Акциядорлик тижорат "Пахта Банк" Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган "Навбаҳор" муддатли омонатини таклиф қилади. Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 3(уч) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм. Ҳисобланган фоизлар омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонатнинг асосий суммаси билан бирга тўланади. Шошилиг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 мартигача қабул қилинади! Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш" фонди томонидан ҳам кафолатланган. Омонатингизни ишончли асраймиз ва кўпайтирамиз. "Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!

Минерал ўғит - фермер даласигача (Боши 1-бетда) Бу масаланинг ечимини топиш мақсадида банклардан олинган кредит ҳисобига 2005 йили 175 та трактор, 190 та тиркама ва бошқа техника воситалари лизинг шартномаси орқали харид қилинди. 2005 йили 867,4 минг тонна компост тайёрланиб, қишлоқ хўжалик корхоналарига етказилди. Ширкат ва фермер хўжалиқларининг талабномалари асосида 255,7 минг тонна органик ва 1102,9 минг тонна минерал ўғитлар уларнинг экин майдонлари ёқасигача ташиб берилди. 483,9 минг тектар майдонда дефляция қилиш ишлари амалга оширилди. 7565,5 миллион сўмлик агро-кимёвий хизматлар кўрсатилди. Бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 1,8 марта кўпдир. Фермер хўжалиқларига қулайлик туғдириш мақсадида экин майдонларига яқин жойларда минерал ўғит сақлаш ва тарқатиш омондорларини — шохобчаларни ташкил қилиш давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативларини (ширкат хўжалиқларини) фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 215-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туғатилган 447 та ширкат хўжалиқларининг минерал ўғит омондорлари негизда 204 та ўғитларни фермер хўжалиқларига тарқатиш шохобчалари ташкил этилмоқда. Натижада минерал ўғит шохобчаларининг умумий сони 759 тага ва уларнинг ситими эса 658,4 минг тоннага етди. Шохобчалар минерал ўғит етказиб бериши билан бирга, кенг қамровли агрокимёвий хизматларини кўрсатиши ҳам кўзда тутилган. Бундай шохобчаларни ишга тушириш учун барча "Қишлоқхўжалик-кимё" жамиятларида масъул ҳар бир жиҳозлар билан таъминлаш давом эттирилмоқда. Фермер хўжалиқларининг кўпайиши, сифатли ва кафолатли агрокимёвий хизматига бўлган талабнинг ортиси турли ҳудудларда тупроқ кимёвий таркибининг ўрганиши ва бошқа омилларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Худудий "Қишлоқхўжаликкимё" жамиятлари учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган махсус Дастур ишлаб чиқиб, босқичма-босқич жорий этиш чоралари қўйилмапти. Ширкат ва фермер хўжалиқларига минерал ўғит ва дефлянтларни етказиб бериш билан бирга, компост тайёрлаш, маҳаллий ўғитларни дала ёқасига ташиб чиқариш ишлари ҳам бажарилмоқда. Пахта етиштиришда азотли ўғитларнинг 25 фоизини экин билан бирга (апрелда), қолган қисмини биринчи ва учинчи озиклантиришда (май — июлда), фосфорли ўғитларнинг 60-70 фоизини ноябр ойида, 15 фоизини экин билан бирга (апрелда), 20 фоизини эса учинчи озиклантиришда, калийли ўғитларнинг 50 фоизини шудгор остига, қолган қисмини эса иккинчи озиклантириш даврида солинчли илмий жиҳатдан белгиланган. Фалла етиштиришда эса фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100 фоизини шудгор остига, азотли ўғитларнинг 25 фоизини экин билан бирга, қолган қисмини биринчи ва иккинчи озиклантиришда сепиш кўзда тутилган. Республикада 2006 йили 2140 минг тонна физик ҳолдаги минерал ўғитлар ширкат ва фермер хўжалиқларига етказиб берилди. Минерал ўғитларни марказий омондордан шохобчаларга ташиб келтириш учун "Қишлоқхўжаликкимё" жамиятлари тасарруфидagi 1840 та транспорт воситалари жалб этилган. Республикадаги сўғориладиган майдонлар тупроқ таркибидagi чиринди миқдори ва экинлар ўзлаштирадиган озук модаллари билан таъминланганлиги жоҳидати бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга, тупроқнинг агро-кимёвий хусусиятлари вақт ўтиши, маҳаллий ва минерал ўғитларнинг қўлланлиши ҳамда озук модалларининг маълум қисми етиштирилган махсулотга ўтиши ҳисобига ўзгариб боради. "Қишлоқхўжаликкимё" жамиятлари ва унинг туман филиалларига ҳар бир фермер хўжалиқининг тупроқ-иклим шароитини чуқурроқ ўрганиш, олинган буюртмаларнинг илмий

SPORT O'LAMIDA

Ёшларимиз бўш келишмади

Ҳозир Италия қишки олимпиада нафаси билан яшавган бўлса-да, бу давлатда бошқа спорт мусобақалари ҳам давом этмоқда.

Аниқроғи, ҳар йил қиш фаслида ўтказиладиган футбол бўйича "Карнавал" кубоги бахслари бошланди. Эллик саккизинчи бор ташкил этилган турнирда 48 жамоа иштирок этмоқда.

Турнирнинг биринчи ўрашувида вакилларимиз "Леворно" клуби қарши майдонга тушди ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Клуб вице-президенти Самвел Бабаян маълумотича, ҳисоб бундан ҳам йирикроқ бўлиши мумкин эди.


УЕФА кубоги: 1/16 финал натижалари



Чоршанба кuni Европанинг ўн уч шаҳрида жойлашган ўйинҳолларда футбол бўйича УЕФА кубоги 1/16 финал баҳслари бўлиб ўтди.

Маъжур бахслар ичида, шубҳасиз, "Зенит" (Россия) ишончли тўп суриб, сафарда ғалабани нишонлади. "Русенборг" меҳмони бўлган Россия жамоаси Аршавин ва Кержаков томонидан киритилган икки гол эвазига ғалаба қозонди.

Замиранинг олтин медаллари



Хитойда ёпиқ спорт ареналарида ўтказилган энгил атлетика бўйича Осиё чемпионати якулланди.

Қитъанинг йигирма беш давлатидан спортчилар иштирок этган мусобақада вакилларимиздан уч нафари совриндорлар каторидан жой олишди.

Осиёда, қолаверса, жаҳонда таниқли бўлган Замира Аморова 800 метр масофага югуриш баҳсларида барча рақибларидан олдин марра чизигини босиб ўтиб, олтин медални қўлга киритди.

Ҳаммаси ғалабага боғлиқ

Агар Россиянинг хоккей терма жамоаси Олимпиада ўйинлари финалгача чиқса, президент Владимир Путин Турин шаҳрига учиб бориши мумкин.

Бу ҳақда РФ Спорт ва жисмоний тарбия Федерал агентлиги раҳбари Вячеслав Фетисов хабар берган.

Фетисов Путин билан бирга Испанияга расмий ташриф билан боргани сабаб Олимпиада ўйинлари очилиш маросимига боролмаганди.

Эслайтиб ўтамиз, Путин 2002 йилда ҳам шундай ваъда берганди. Аммо Фетисов мураббийлик остида Россия хоккей терма жамоаси ярим финалда АКШ термасига ютказиб қўйган ва Белоруссия билан ўчинчи ўрин учун кураш олиб бориб, бронза медални соҳибига айланди.

PS: 15 феврал кuni Россия хоккей терма жамоаси биринчи ўрашуви ўтказди ва словачиялик рақибларига 3:5 ҳисобида имкониятни бой берди.

Фаэлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Игвогарга аталгани

Нега ўтади? - Лайлатулқадриг қанақалигини биров билмайди, - Теша қизик салмоқлаб гап бошлабди.



қолса, ўша олтинга айланиб қолади. - О-о-о! - игвогарнинг сўлакайи оқибди.

Қизик ўртадаги деворга ўйнагани кўйвола соқол олаётган, кўшни томонда гумбурлаб милтиқ отилибди.

Теша қизик хангомадари

Саид АНВАР қозоғга туширди.

Қизик ўроқлари билан шаҳарга тушиб, роса улфатчилик қилишди.

Улар ресторандан чиқишганда қоронғи тушиб қолган экан.

Ўрисчаям пулга боғлиқ

Автобуслар тўхтаган, энди қишлоққа қандай кетамиз? - сўрабди Матвали деган улфати.

Қизикчи ўлмайд

Мениям маҳаллада бир юрмат қилармикан? Обруйим бормикан, йўқмикан? - деб бир кун қизик ўзини ўлганга солиб ётди олибди.

Керакли теша

Уруш йиллари Теша қизикча ҳарбий комиссариятдан чакирув қозоғи келибди. Қизик уни олиб, тўри райком секретарининг олдига борибди.

Энасига бер

Устара р о с а рўпарасига келган эканми, қизик кулоғида ан жиндай узиб олибди.

Дардларга даво турп

Хушхўр, қуврак турп ҳар қандай кишининг иш-таҳсини "қитиқламай" қўймайди. Турп салқин мавсумларда ошхонамиз бисотида айрилмайди.

Ўйлиб асал солинадиган бўлса, хуштаъм шарбати ажралди. Мазкур шарбат пешоб йўлида мавжуд бўлувчи майда тошларни нуратиши билан бирга, ўт қопчасининг ялғиланишида энгиллик беради.

Мазмолларга қараганда, турпда кучли бактерицид хусусиятига эга бўлган лизоцим моддаси учрайди.

Табиат неъматлари

Гини даволашда фойдаланган. У саримсоқни пишириб турп билан қўшиб истеъмол қилинса, буйракдаги тошни йўқотиб юборишини, турп уруғини асал билан аралашмаси киндик оғриғи, уруғининг ўзи эса йўталга шифолигини кўрсатди.

Ҳалқ тарбияси тарқалган амаллардан бирида турп, лавлага ва сабзи шарбатларидан тенг микдорда олинчи, рангли ишишга солинди, энгил ёпишган, устидан қолмиб ёпиштирилиб, 3 соат давомида дуюкчага қўйилди.

Баъзи маълумотларга қараганда, турп таъда ортиқча холестерин тўпаланмига имконият туғдирибди.

Республика кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят бўлими томонидан қуйидаги мулклар 2006 йил 17 февралдан марказлаштирилган электрон "БИРЖА" савдоларига чиқарилётганлигини маълум қиламиз.

- 1. Навбахор туманидаги қайта ташкил этилаётган "Янгиқўрғон" ширкат хўжалигига қарашли мулклар: * Чорвачилик комплекси. Бошланғич баҳоси - 60 000 000 сўм; * Меҳмонхона биноси. Бошланғич баҳоси - 4 500 000 сўм;

Тоғлар қўйнидаги сихатгоҳ

Наманганнинг энг сўлим гўшаларидан бўлган Чортоқда болалар сихатгоҳи борлигини, эҳтимол, кўпчилик ҳам билмавермайд. 1968 йилдан буён фаолият қўрсатиб келаётган бу масканда фарзандларимиз ўз саломатлигини тиклаб, болаликнинг соғлом ва қувноқ ҳаётига қайтади.

-Сихатгоҳимизда ҳар кун дами олиш тadbирлари ҳам ўтказилапти - дейди клуб мудири Маҳмудхон Холбоев.

Истиқлол йилларида бу ерда қўллаб бунёдкорлик ишлари олиб борилади, барча зарур қулайликлар яратилди. Янги мактаб биноси қад кўтарди, сихатгоҳ ҳудуди янада обод ва кўркам манзара кашф этди.

Яна бир энг муҳим қулайлик шундаки, ўқувчилар тушгача дарс машғулотларида бўлади, тушдан сўнг даволаш муолажалари олишади. Шу боис, юртимизнинг турли вилоятларида келган фарзандларимиз ҳам даволаш, ҳам даволаниш имкониятларига эга.

Бош муҳаррир: ҲАҚМАТ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-экологик тарихий комплекси ва шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жоматчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25. Котибхона - 133-95-17. Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-40-87.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Мутахассисларнинг айтишича...

Ҳомиладорман, энгил машинани ўзим эҳтиёткорлик билан бошқарсам бўладими? ЭЪтиборхон ДАВЛАТБЕКОВА, Қўён. Тиббиёт фанлари номзоди Муҳаббат Қўчқорованинг айтишига қараганда, аёллар ҳомиладорлигининг охириги ойнарида автоуловларни бошқариши лозим қўрилмайд.